

Зулхумор Холманова

«БОБУРНОМА» –
ТИЛ ҚОМУСИ



Зулхумор ХОЛМАНОВА

«БОБУРНОМА» – ТИЛ ҚОМУСИ

Тошкент
«Akademnashr»
2021

УЎК: 821.512.133.09

КБК: 83.3(5Ўэб)

X 72

X 72 Холманова Зулхумор

«Бобурнома» – тил қомуси [Матн]: илмий-оммабош / З.Холманова. – Тошкент: «Академнашг» NMM, 2024. – 336 б.

ISBN 978-9943-6962-1-1

УЎК: 821.512.133.09

КБК: 83.3(5Ўэб)

Ушбу монографияда «Бобурнома»нинг буюк мемуар, тенгесиз хотира, тил ҳақидаги назарий маълумотлар ва амалий материал жамланган қомус сифатидаги қиймати ёритилган. «Бобурнома»ни лингвистик аспектда ўрганишга оид тадқиқотлар тавсифи, асар лексикасининг тарихий-этимологик, семантик майдон, семантик парадигма асосидаги таснифлари келтирилган. Бобурнинг сўз қўлаш маҳорати, тишуносликка доир қарашлари, этимологияга доир қўлатишлари, чоғиштирма тишуносликни шакллантиришдаги ўрни, туркий сўзларни амаллаштиришдаги хизматлари кўрсатиб берилган. Монография «Бобурнома»нинг туркология, хусусан, ўзбек тишунослиги тараққийетидаги ўрнини ёритишда, бобуршуносликка оид кейинги тадқиқотларни амалга оширишда илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Монография профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва «Бобурнома» тадқиқотчиларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Ҳ.Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Н.Раҳмонов, филология фанлари доктори, профессор

Б.Абдушукуров, филология фанлари доктори, профессор

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техник кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2020 йил 24 июндаги 3-сонли мажлис баённомаси).

ISBN 978-9943-6962-1-1

© Зулхумор Холманова
«Бобурнома» – тил қомуси

© «Академнашг», 2021

КИРИШ

Мумтоз асарларни тадқиқ этиш, ёзма манбаларнинг илмий, маънавий-маърифий қийматини белгилаш, бадиий, тил хусусиятларини ўрганиш филология соҳасининг асосий масалаларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, «Ўзбек тили ва адабиёти, фольклорининг тарихан шаклланган адабий, лингвистик мақталари ва таълимотларини, мумтоз ва замонавий методларини, буюк аждодларимизнинг ўзбек ва дунёош тишунослиги ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг шайхон тишунослиги ривожига қўшган хиссаси, уларнинг шайхон мероси, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги ўрни ва таърифи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари, ўзбек тили ва адабиётининг ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ этиш»¹ долзарб аҳамиятга эга.

Тарихий-бадиий манбалар лексикасини ўрганиш ёзма асарлар яратилган давр адабий тилига хос хусусиятлар, луғатий ситх тараққийети, лексик бирликлар семантикасини ёритишда аҳамиятlidir. Ёзма ёдгорликларда муайян давр адабий тишунослиги фондининг асосий қисми акс этади. Шу билан бирга, муаллиф маҳоратининг ўзига хос қирралари намоён бўлади. Эски ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятларини ўзида мужассамлангирган, ижодкор маҳоратининг юксак намунаси бўлган ёзма манбалардан бири «Бобурнома»дир.

Жаҳон мемуар жанрининг нолир намунаси ҳисобланган «Бобурнома» қомусий асар сифатида эътибор тошган. Асарнинг тарб тилларига таржима қилиш XVIII асрдан бошланди. 1737 йилда Г.Я.Кер логин тилига таржима қилди.² «Бобурнома» турт марта форс ва инглиз, икки марта олмон, француз, турк, урду, бир марта голланд, италян, ҳинд, япон, поляк,

¹ «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4997-сон Фармон // Халқ сўзи. 2016 йил 14 май.

² Ҳасанов Х. Ўрта Осиё жойи номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б.13.